

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 14-dekabr, shanba № 99 (15737)

Navqiron avlod so'zi

## Соғлом бола — соғлом келажак

Мустақиллик даврида юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Манавий етук, жисмонан соғлом авлодни камол топтириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилди. Бунинг замирида чуқур маъно бор, албатта. Зеро, болалари соғлом ва баркамол бўлган мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлади.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволашнинг илғор ва замонавий услубларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар она ва бола саломатлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. 2011 йил ноябрда пойтахтимизда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиумнинг ўтказилгани, унда бир қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари ҳамда дунёдаги ўнлаб давлатлардан етакчи мутахассис ва экспертларнинг иштирок этгани фикримизнинг далилидир.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида бош мезон ҳисобланади. Эътиборлиси шундаки, бугунги кунда юртимиздаги бир қатор даволаш муассасалари ЮНИСЕФ ташкилотининг «Болага меҳри баланд шифохона» сертификатини қўлга киритган.

Мустақилликнинг илк йилларидан юртимизда ёш авлод тарбияси борасидаги барча ҳаракатлар баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга қаратилди. Баркамол авлод бу — бутун Ўзбекистон, шу Ватаннинг бугуню эртаси учун яшаб, меҳнат қилаётган ўзбек халқининг буюк орзуси.

Муҳтарам Юртбошимиз деярли ҳар бир нутқида ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтади, бугунги Ўзбекистон ёшларининг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида фахрланиб гапиради. Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор намунасини йилларга ном берилиши ҳамда шу асосда қабул қилинаётган давлат дастурлари мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуси билан 2008 йил юртимизда «Ёшлар йили», 2010 йил — «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган эди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: «Фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт». Бу сўзлар менинг ва ўйламанки, менга ўхшаш республикамиздаги миллионлаб ёшларнинг ғайратини оширади, янгидан янги марралар сари чорлайди. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор ва ишончдан биз, ёшларнинг қалби, шубҳасиз, фахр-ифтихорга тўлади. Шунга яраша меҳнат қилиб, Ватанимизга содиқ ва фидойи фарзанд бўлиш, унинг шону шавкатини юксалтириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Нурбек МАТЁҚУБОВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
1-курс магистранти,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
стипендиати



## Ақл баҳси чемпионлари

Бугун «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Нафиса Мўминовани, жаҳон чемпиони деган шарафли номга эришган саккиз яшар Нодирбек Абдусатторовни, беш яшар Осиё чемпиони Ислонбек Синдоровни бутун дунё танийди. Албатта, бу ҳар бир юртдошимизга чинакам ифтихор, ғурур, фахр бағишлайди.

«Камолот» ЁИХ МК ташаббуси билан Ўзбекистон шахмат федерациясида бўлиб ўтган «Камолот» шахмат та-

рининг издошлари тош суришди. Мусобақада ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган 126 нафар 6-12, 13-16, 16-19 ёш тоифаси бўйича ўзаро куч синашди. Ҳаваскор шахматчилар уч кун давомида тўққизта ўйинда қатнашдилар.

2007 йилдан буён Ҳаракат ташаббуси билан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорли-

гида ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ҳаваскор ёш шахматчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал спортга дадил қадамлар билан кириб боришларига хизмат қилмоқда. Жорий йилда мусобақанинг қуйи босқичлари май-июнь ойларида ўтказилди.

Унда республикамиздаги умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 245 минг нафар ўқувчи ақл-заковат бобида ўз маҳоратини намойиш этди.

(Давоми 2-саҳифада)

# Ақл баҳси чемпионлари



**(Давоми, аввали 1-саҳифада)**

— Энг кучлилар финал босқичига етиб келди. Иштирокчилар мусобақада шунчаки қатнашиш учун эмас, балки ғолиб бўлишни, келажақда эса Осиё ва жаҳон чемпионатларида қатнашиш истагида келишганини айтишмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, саккиз ёшида жаҳон чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторов ҳам, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ҳам «Камолот» шахмат тахтаси»да қатнашган ёшлардир. Бу йилги иштирокчилар орасида ҳам келгусида улар каби халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш шахматчиларни кўряпмиз. Уларнинг ўйинлари мутахассису мухлислар томонидан юқори баҳоланди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг спорт лойиҳалари бўлими мудир Умид Ражабов.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир миллион саккиз юз минг нафардан ортиқ ёш ўттиздан ортиқ спорт турлари билан шуғулланмоқда. 2012 йилнинг ўзида йигит-қизларимиз спортнинг кўплаб турлари бўйича халқаро му-

собақаларда қатнашиб, 81 та олтин, 61 та кумуш, 62 та бронза медаль соҳиби бўлишди. Бундай ютуқлар сонининг ортишида ақл гимнастикаси, дея эътироф этилган шахмат бўйича юртимиз байроғини баланд кўтараётган спортчи ёшларимизнинг ўрни бекиёс. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мактаб, академик лицей ва касб-хунаро коллежи ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, корхона ва ташилотларнинг ёш ходимлари ўртасида «Ҳеч ким спорт ҳаётидан четда қолмаслиги лозим» шиори остида ўтказаетган спорт мусобақалари, таниқли спортчилар билан ташкил этилаётган учрашувлар ёшларнинг республика ва халқаро чемпионатларда қатнашишида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда.

Мусобақа дастури доирасида иштирокчилар учун маданий тадбирлар, учрашувлар ҳамда спектакллар намойишлари ташкил этилди. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида ҳам бўлишди. Айниқса, «Бунёдкор» стадиони билан танишув ёшларда ёрқин хотиралар қолдирди.

Мусобақа давомида ўтган

тўққиз ўйин натижасида энг кўп очко тўплаган шахматчилар ғолиб деб топилди. Уларнинг номлари «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида бўлиб ўтган «Камолот» шахмат тахтаси» турнирининг тақдирлаш маросимида эълон қилинди.

Дастлаб умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритган вилоят ёшлари тақдирланди. Унга кўра, навоийлик ёш шахматчилар биринчи ўринни, Сирдарё вилояти ёшлари иккинчи ўринни, Хоразм ёшлари эса учинчи ўринни қўлга киритди.

— Бу йилги турнирга ҳар бир вилоят жамоаси кучли тайёрланиб келган, — дейди Сирдарё вилояти жамоаси мураббийи Барот Ҳайлаев. — Ўтган йилги мусобақада жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган бўлсак, бу йил иккинчи ўрин билан кифояландик. Вилоятимизда шахматга қизиқувчи ёшлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Улар Осиё чемпионатида фахрли ўринни эгаллаган Сарвиноз Курбонбоева, ўн олти карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати иштирокчиси Элбек Жумановга ҳавас қилиб, чемпион бўлишга интиломоқда. Мазкур турнир эса ҳаваскор шахматчиларни катта мусобақаларга тобламоқда.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар

бошланди. Ҳар бир ёш тоифаси бўйича ғолиблар номи эълон қилинди. 6-12 ёш бўйича сирдарёлик Бобур Эшбоевга тенг келадигани топилмади. 13-16 ёш тоифасида фарғоналик Иброҳимжон Эминов, 16-19 ёшлилар ўртасида Хоразм вилояти вакили Абужаъфар Исломов юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллади.

— Ўтган йили Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасида тўртинчи ўринни қўлга киритган бўлсам, бу йил биринчи ўринга сазовор бўлдим. Сирдарёлик тенгдошим Шаҳноза Қосимова менга кучли рақиб бўлди. Олти ёшимдан шахмат билан шуғулланаман. Мусобақа давомида бир-биридан қизиқарли тадбирларда қатнашдик. Мен учун «Бунёдкор» стадионига саёхат эсда қоларли бўлди. Келгусида Осиё ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқчиман, — дейди мусобақанинг олтин медали соҳиби Абужаъфар Исломов.

Етти йилдан буён шахмат ўйнаб келаятган Денов туманидаги 74-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Муҳаммадали Абдурахмонов тўққизта ўйинда етти ярим очко тўплаб, иккинчи ўринга сазовор бўлди.

— Сўнгги ўйинда ҳам сирдарёлик Бобур Эшбоев билан дуранг ўйнадим, — дея таъкидлайди у. — Бироқ очко ҳисобида

ундан ортда қолдим. Муҳими, ғалаба эмас, балки тажриба, дўстлар орттириш, деб ўйлайман. Бу йилги турнир жуда қизиқарли ўтди. Бунинг учун барча ташкилотчиларга раҳмат айтаман. Мусобақа давомида Осиё чемпиони Исломбек Синдоров, Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳиби Жавахир Синдоров, Ўзбекистоннинг етти карра чемпиони, икки карра Осиё чемпиони Ортиқ Нейматов, шахмат бўйича аёл-қизлар ўртасида биринчи ўзбек гроссмейстери Нафиса Мўминова билан мулоқотда бўлиб, улардан шахмат сирларини ўргандим. Ҳаттоки, саккиз ёшида жаҳон чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторов билан тош суриб, дуранг натижани қайд этдим. Нодирбекка ҳавасим келди. Келажақда мен ҳам у каби жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

Чирчиқ шаҳридан келган Феруза Муҳаммадкаримова мазкур мусобақанинг 2012 йилги финалида кучли учликка ҳам кира олмаган эди. Бу йил эса 13-16 ёш тоифасида учинчи ўринни банд этди. Албатта, бунга кучли тайёргарлик натижасида эришгани аниқ.

— Шаҳримизда «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасида иштирок этаётган ёшлар сафи йилдан йилга кенгайяпти. Ўтган йили Навоий шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида қатнашиб, учинчи ўринга сазовор бўлгандим. Мана шундай мусобақаларда товланиб бораётган биз, ёшлар келгусида Осиё ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламиз. Бугун спорт билан шуғуланиш иштиёқида бўлган ўғил-қизлар учун мамлакатимизнинг барча худудларида шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, мен шуғулланаётган «Ёшлик» спорт мажмуасида ҳам. Фақат яратилган имкониятлардан унумли фойдалансак, бас, — дейди мусобақанинг бронза медали соҳиби Феруза Муҳаммадкаримова.

Тақдирлаш маросимида ғолибларга диплом ва совғалар топширилди. Шундан сўнг ёшлар эстрада хонандаларининг дилрабо куй-қўшиқларидан бахраманд бўлдилар.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Носир Ҳайдаров олган суратлар.



2014-yil — Sog'lom bola yili



«Kamolot» loyihalari



Tashabbus

Миллий интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган [www.labor.uz](http://www.labor.uz) сайти орқали фойдаланувчилар нафақат юртимиздаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларга эга бўлишади, балки иш берувчилар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиб, ўзларининг шахсий маълумотларини қолдиришлари ҳам мумкин.

## Бандлик масаласида янгилик

Мазкур сайтнинг ташкил этилиши иш излаётган фуқаролар учун бандлик масаласида катта имкониятлар яратади. Бу ҳақда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида хабар берилди.

Айни пайтда вазирлик ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси ишга туширилган. Мазкур лойиҳа доирасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлашга қаратилган «Меҳнат бозори» деб номланувчи ягона маълумот тизими яратилди. Энди ушбу тизим орқали вазирлик тасарруфидаги 193 та туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ўзаро маълумот алмашиш имконига эга. Унда иш ўринлари, мутахассис-кадрлар ҳақида маълумотларни жойлаштириш ва қидириш, мамлакатимиздаги ижтимоий хизматларнинг интерактив харитаси каби қатор дастурлардан фойдаланиш ҳам мумкин. «Меҳнат бозори» ЯМТнинг асосий вазифаси вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларига аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлик соҳасида ахборот олиш имконини яратишдан иборат. Қисқа фурсатда ягона маълумот тизимида фаолият олиб бориши учун вазирлик тизимидаги беш юз нафарга яқин мутахассис ўқитилди. Ҳудудий бўлимларнинг моддий-техник таъминоти яхшиланди. Янги тизимда маълумотлар ҳар ойда янгилик билан борилади. Ҳозирги кунда унда етмиш беш мингга яқин бўш иш ўрни ва иш қидирувчи фуқароларнинг қирқ уч мингдан зиёд резюме-лари жамланган.

«Меҳнат бозори» ЯМТ таркибидаги ижтимоий хизматлар интерфаол харитасининг асосий вазифаси харита фойдаланувчисига ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланишга кўмаклашишдан иборат. Маълумотлар базасига ижтимоий хизмат тақдим этувчи тўрт юздан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида маълумотлар киритилган.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
«Turkiston» муҳбири

## Фаолият мезони амалий ҳаракатдир

Фарғона вилоятида амалга оширилаётган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот лойиҳаси доирасида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди. Тадбир давомида вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шухрат Ғаниев фан, таълим, маданият, спорт, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида юксак натижаларга эришиб келаётган бир гуруҳ иқтидорли ва фаол ёшлар билан мулоқотда бўлди.

Учрашувда вилоят прокуратураси, ички ишлар, адлия, мудофаа ишлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, давлат солиқ бошқармалари, олий таълим муассасалари ректорлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Маънавият тарғибот маркази, сиёсий партиалар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Шухрат Ғаниев юртимиз ис-

тиқболи ва равнақи ҳар томонлама етук, билимли ва салоҳиятли, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий позициясига эга, мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч бўлган ёшларга боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Теннис бўйича халқаро мусобақалар совриндори, Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Саидхўжаева, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати совриндори Шоҳрухмирзо Мамажонов, Беруний

стипендияси соҳиби, «Парламентаризм билимдони» онлайн танлови ғолиби Абдоржон Отабоев, «Онажоним — табиат» ҳамда «Ўз келажимизни ўзимиз қураемиз» мавзусидаги республика иншоолар танлови ғолиби Шермуҳаммад Дехқонов, «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасининг республика босқичи ғолиби Гуландомхон Тўрахонова ўз фикрларини билдирди. Тенгдошларимиз мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ҳар томонлама ривожланишига қаратилган эътибор, яратиб берилган улкан имконият ва шароитлардан миннатдор эканликларини айтдилар. Шунингдек, улар эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб, таклиф ва ташаббусларини илгари сурдилар.

Учрашув сўнгида вилоят ёшларининг мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди.

Йил давомида ўзининг иқтидори, илмий ҳамда ижодий фаолияти

билан тенгдошларига ўрناк кўрсатган йигирма бир нафар ёш вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бугун биз, ёшларнинг барча фикр ва мулоҳазамиз, таклифларимиз тингланди, — дейди мамнуният билан Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси қошидаги «Ёш авлод» кенгаши аъзоси, кўқонлик тенгдошимиз Азизахон Жалилова. — Учрашув чоғида билдирилган ишонч ва эътироф келгуси ишларимиз самарасига хизмат қилса, ажаб эмас.

Мулоқотдан сўнг иштирокчиларга вилоятдаги иқтидорли ёшлар фаолияти ҳақидаги видеофильм намойиш этилди.

**Дилнавоз КҮЛДОШЕВА,**  
«Камолот» ЁИХ  
Фарғона вилояти  
кенгаши матбуот  
хизмати етакчи  
мутахассиси



2014-yil — Soғ'lom bola yili

# КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК

Конституция мамлакатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётини ўзида акс эттирувчи, олий юридик кучга эга сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституцияда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Асосий Қонуниimizда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Конституциямиз муқаддимасидаёқ халқимизнинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятини белгиловчи ҳуқуқий норманинг мавжудлиги фикримизни исботлайди. Бу норманинг моҳияти бевосита халқ, менталитетимиз билан боғлиқ. Сабаби бизда ҳар бир инсон фаолиятининг асосини қобил фарзандлар тарбиясига қаратади. Боласи учун, унинг келажаги учун елиб-югуради. Зеро, ҳар бир киши меҳнатининг самарасини ҳам айнан яхши тарбияланган фарзандларда кўради. Шу боис бундай ёндашув Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган.

Конституциямизда билим олиш ҳуқуқининг чекланмагани ёхуд умумий таълимнинг бепул экани ва давлат томонидан кафолатланишини назарда тутувчи норма ҳам ёшларга катта имконият яратади. Хусусан, ушбу норма асосида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар

тайёрлаш миллий дастури ҳақида»ги қонунлари қабул қилиниб, ёшларнинг таълим соҳасида ўз интеллектуал салоҳиятини намोён этиши учун имкониятни кенгайтирди.

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда талабалар ўртасидаги «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат жаҳонда ўхшаши бўлмаган уч босқичли тизим яратилди. Бугун барча таълим муассасалари, хусусан, қишлоқларда ҳам замонавий спорт заллари ва спорт мажмуалари бунёд этилган. Юртимизда халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва бошқа танловларда қатнашиб совриндор бўлаётган ёшлар сони тобора ортмоқда. Бундай муваффақиятларнинг асосида ёшлар ҳуқуқи ва эркинликларининг Конституцияда акс эттирилгани билан боғлиқ.

Конституциямизда вояга етмаган-

ларнинг бевосита давлат томонидан ҳимояланишини назарда тутувчи норма ҳам мавжуд. 2008 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ушбу норма ижросининг амалий ифодаси ҳисобланади. Мазкур ҳужжат нафақат бола ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда, балки вояга етмаганлар назоратсизлиги, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда жазони ўташ жойларидан озод этилган вояга етмаганларни ҳаётга ижтимоий мослаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

2000 йил билан солиштирганда, юртимизда вояга етмаганлар жиноятчилиги 30,5 фоизга камайган. Ўтган йили ва шу йилнинг ярим йиллиги мобайнида таълим муассасаларининг икки мингга яқин ходимига ўқувчиларнинг таълим муассасасига жалб этилишида хизмат мавқеини суиистеъмол қилгани учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, 3,5 минг нафар ота-она жавобгарликка тортилди. 250 нафар ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқи чекланди ёки ундан маҳрум этилди. Ушбу фактлар юқорида келтирилган конституциявий норма ва қонун ижросининг амалдаги натижасини кўрсатиб турибди.

Конституцияга оила бобининг киритилиши ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга юқори эътибор қаратилаётганининг исботидир. Инчунин, 63-моддада оила жамиятнинг асосий бўғини, муҳим ижтимоий институт сифатида давлат ва жамият муҳофазасига олиниши тегишли ҳуқуқий норма асосида белгиланган. Давлат ва жамиятнинг ота-онасидан ёки уларнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилиши (64-модда) қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Конституция ва ёшлар моҳиятан бири-бири билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик, биринчидан, Асосий Қонуниimizда муҳим ижтимоий қатлам бўлмиш ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ ифодаланганида кўринса, иккинчидан, қонунларимиз келажакда янгича фикрлайдиган, ҳуқуқий фаол ёшларни тарбиялаш мақсадига қаратилгани, учинчидан, Конституция ёшларга турли имкониятлар яратиб беришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганида намоён бўлади. Ёшларнинг Конституциямизни мантиқан идрок этиши ҳамда ундан тўғри фойдалана олиши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим саналади.

**Эшмуҳаммад КОДИРОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети доценти

## Йўлларда эътиборсиз бўлмайлик



Юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ташкилот ва корхоналар ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини ҳамда автомобиль йўлларининг аҳолини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси (ИИБ ЙҲХББ) томонидан «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда!», «Яшил чироқ» каби тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Шундай ишларнинг давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, жорий йил 15 декабрдан 2014 йил 15 январга қадар республикаимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» эълон қилинди.

ИИБ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида уч миллиондан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Бир ўйлаб кўринг-а, ушбу рақам ортида қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаёти, аянчли тақдир ва мусибатлар ётибди! Кимнингдир лоқайдлиги ёки масъулиятсизлиги туфайли барвақт хазон бўлаётган умр-

ларни асраб қолиш, аслида, ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Транспорт ҳайдовчилари ва пиёдалар, хусусан, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва бу ишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва бу

масалага кенг жамоатчиликнинг эътиборини кучайтириш асосий вазифаларимиз ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг зарурий шартларидан бири фуқароларга йўл ҳаракати қоидаларини тушунтириш ва уларда қоидаларга қатъий риоя қилиш интизомини шакллантиришдан иборат. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъи назар, ўзи ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканини англаши зарур.

Республикаимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиши муносабати билан ҳукумат томонидан юртимиз ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш ва

уларни бартараф этиш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, таълим муассасалари ва ҳайдовчиларга тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини янада самарали тарзда ўргатиш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланди.

Ҳукумат фармойишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссияларни шакллантириш, йўл ҳаракати қоидаларига доир амалий машғулотлар ўтказиладиган «Болалар автоҳаётлари»ни ҳомийлар ёрдамида барпо этиш, жамоат транспорти ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ойлик ўтказилаётгани ҳақида реклама эълонлари ва плакатларни жойлаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилган.

Ойлик давомида Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиоком-

### Harakat xavfsizligi oyligi

панияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, марказий ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ойликнинг боришини кенг ва атрофлича ёритиш, ойликни тарғиб қилувчи махсус видеоролик тайёрлаб, уни профилактика тадбири давомида намойиш этиш, жойларда ойликнинг ўтказилиши юзасидан рейдлар ташкил этиш, мактабга таълим муассасалари ва мактабларда йўл ҳаракати қоидаларининг ўргатилиши бўйича назорат олиб бориш, мавзуга доир плакатлар, буклет, тақвим ва бошқа кўргазмали материаллар чоп этиш, маҳаллаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлар амалга оширилади.

Ҳар қайси транспорт воситаси, у хоҳ йўловчи ташувчи бўлсин, хоҳ юк ташувчи, биринчи навбатда, техник жиҳатдан соз бўлмоғи шарт. Бу ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шарты.

Ҳозирги кунда замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситалари сони тобора кўпаймоқда. Шунга яраша йўлларда ҳаракат жадаллиги ҳам ортиб борапти.

Йўлларда содир бўлаётган турли нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси эмас. Бу ишга ҳар биримиз масъулмиз. Уйдан кўчага чиққан ҳар бир инсон ўз-ўзидан йўл ҳаракати иштирокчисига айланади. Демак, у белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиши зарур. Шундагина ҳаётимизни хавф остига қўймаган бўламиз.

**Холматжон САЙДАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ бошлиғи,  
полковник



## Аббосбек Махсталиев —

# ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ

**Футболда икки тоифали юлдузлар бор. Биринчиси, ўз иқтидорларини болалигидан намоён этиб, профессионал сифатида барқарор ўсишга эришганлар. Уларга Пеле, Роналдо, Миржалол Қосимов, Лионел Месси, Раул кабилар киради. Бошқа бир тоифа юлдузлар эса болалик ва ўсмирлигида унчалик кўзга ташланмай, кейинчалик порлаганлар. Зайниддин Зидан, Диего Милито, Николай Ширшовлар ана шундай юлдузлардир.**

**Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ва «Пахтакор» клуби ҳужумкор ярим ҳимоячиси Аббосбек Махсталиев дунё футбол мураббийлари эътиборини ўспиринлигидан ўзига қаратган ва бир маромда ўсиб келаётган футболчилар сирасига киради.**

**Шу йил 3 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида биноан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига сазовор бўлган ёш спортчи ҳақида ҳикоя қиларканмиз, унинг спортдаги юксак натижалари билан бирга, инсоний фазилатларига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.**

### ИНТЕЛЛЕКТУАЛ СПОРТЧИ

Аббосбек билан бундан икки ярим йил олдин, у Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси таркибида Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб қайтгач, аэропортда суҳбатлашган эдик. Ёшига нисбатан анча босиқ ва мулоҳазали, ҳар бир сўзни ўйлаб, чертиб гапиришидан, тўғриси, унинг спортчилигидан кўра, бирор университетнинг магистратурасида таълим олаётганига ишониши осонроқ эди кишининг. Кей-

ин унинг клуби ва терма жамоаларимиз таркибидаги ўйинларидан ташқари, оммавий ахборот воситаларига берган бошқа интервьюларини ҳам кузатиб бориб, англадикки, унда келгусида жаҳон даражасидаги футболчи бўлиш учун барча фазилатлар бор экан.

Келинг, гапимиз қуруқ бўлиб қолмасин, кузатишларимизни баён қилайлик.

### БИРИНЧИ ХИСЛАТ — ПРОФЕССИОНАЛЛИК

Аббосбек Махсталиевнинг ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги

жаҳон чемпионатларида Европанинг бир қанча кучли жамоалари эътиборини тортган жиҳати айнан нима экани бизга маълум эмас. Лекин, одатда, етти ўлчаб бир кесадиган европалик мутахассислар унинг профессионаллигига эътибор қаратган бўлсалар, ажаб эмас.

Ўн тўққиз ёшли ярим ҳимоячи клубида ҳам, терма жамоада ҳам мураббийлар кўрсатмасини тўлиқ бажаради, кун тартибига

шилар билан суҳбатлашаётганда ҳам ўзининг инсоний фазилатларини намоён этади. Бу жиҳатдан уни ҳақиқий маданиятли ва интеллектуал йигит дейиш мумкин.

### ИККИНЧИ ХИСЛАТ — БАРҚАРОРЛИК

Англияда шундай қоида бор. Бу мамлакат чемпионатида ўйнаш учун хорижлик футболчи-

да етишмайди. Эҳтимол, улар ўзларининг айна даражаларидан кўнгиллари тўлар, «менга шу ер ҳам бўлади, интилиб нима қиламан, ўзи юлдуз бўлсам», дейишар. Аббосбек эса ундай демайди, унга бундай тарбия беришмаган. У бундан-да юқори натижаларга эриша олишига ишонади, бу йўлда тер тўкишни билади.

Мазкур хислатлар истеъдод билан уйғунлаштирилса, қандай спортчи шаклланиб етишишни тасаввур қилаясизми?

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАМИЗ!

Юртбошимиз фармонида кўра фахрий унвон билан тақдирланганида футболчининг кўнглидан қандай ҳиссиётлар кечди экан?

— Бу мен учун умуман қутилмаган бахт, Президентимиз менга давлатимизнинг шундай нуфузли мукофотини беради, деб ўйламаган эдим. Негаки, ҳали жуда ёшман, Ватанимиз олдида қарзим кўп, — дейди «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Аббосбек Махсталиев.

Келажақдаги мақсади ҳақида эса у гапни мухтасар қилади:

— Мен бундай юксак ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан. Миллий терма жамоамиз сафида 2018 йилги жаҳон чемпионатида голиб бўлмоқчиман.

Аббосбек Махсталиев 1994 йилда таваллуд топган. У туғилган йили миллий терма жамоамиз қитъа миқёсидаги йирик

## «TURKISTON» МАЪЛУМОТНОМАСИ

Аббосбек Махсталиев — 1994 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 2-босқич талабаси. Айна пайтда «Пахтакор» футбол клуби таркибида тўп сурмоқда.

2008 йилда «Пахтакор» футбол академияси жамоаси таркибида Россияда (Москва) ўтказилган халқаро турнирда 2-ўринни эгаллаб, «Мусобақанинг энг яхши футболчиси» деб топилган.

2009 йилда Сирдарё вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида голиб бўлган.

2011 йилда Мексикада ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида рақиблар дарвозасига учта тўп киритиб, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг кучли саккизликдан ўрин олишига муносиб ҳисса қўшган.

2012 йили Ўзбекистон профессионал футбол лигасида «Пахтакор» футбол клуби жамоаси таркибида чемпионликка эришган.

2012 йилда Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида ярим финалгача муваффақиятли иштирок этган.

риоя қилади, машғулотларга вақтида келади. Бу бир қараганда арзимас нарсалардек туюлиши мумкин. Лекин, аслида, бу нарсаларнинг футболчи фаолиятидаги аҳамияти беқиёс. Масалан, ҳар мавсумда рақиблар дарвозасини олтмиш-етмиш марталаб ишғол қиладиган Криштиану Роналду ҳақида жамоадошлари: «Унинг учун майдонда ҳам, майдондан ташқарида ҳам майда-чуйда нарсалар йўқ, у ҳар бир элементга эътибор қилади», дейишганди. Яъни португалиялик суперюлдуз овқатланиш, гигиена, ўзига эътиборли бўлиш сингари майдон ташқарисидаги масалаларга ҳам худди машғулот майдонидагидек қаттиқ аҳамият қаратар экан. Бу борада Аббосбекни тенгдошларига ва издошларига ўрناк қилиб кўрсатса, арзийди.

У нафақат майдонда ўз ишини пухта бажаришга интилади, балки унинг ташқарисида жамоатчилик билан муомалада, ки-

лар ўз терма жамоаларининг асосий ўйинчиси бўлиши даркор. Премьер-лигада жаҳоннинг энг сара футболчилари тўп сураётганининг сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак.

Келажақда жаҳоннинг энг машҳур жамоаларида тўп суриб, ўзбек футболчи довуғини янада кенг таратишни мақсад қилган Аббосбек аввалига ўн олти, кейин ўн етти ёшгача бўлган футболчилардан иборат терма жамоамизда ўйнади. Бу йил эса, йигирма ёшгача бўлган футболчилардан иборат терма жамоамиз таркибида жаҳон чемпионатида иштирок этди. Қайси жамоада ўйнамасин, у ҳамиша асосий таркибда, асосий футболчи бўлиб келаётир. «Пахтакор» футбол клубининг ҳам умидли аъзоларидан.

### УЧИНЧИ ХИСЛАТ — ИНТИЛУВЧАНЛИК

Очигини айтиш керак, бу хислат аксарият футболчиларимиз-

мусобақада биринчи марта иштирок этган ва ҳеч қутилмаганда Осиё ўйинлари чемпиони бўлган эди. Демак, биринчи марта қатнашиб ҳам голиб бўлиш мумкин. Йигирма йил аввал бажарган ишни жамоамиз нега энди урдаламаслиги керак? (Ҳолбуки, Аббосбек Махсталиев икки марта ўз тенгдошлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ҳар иккисидан кучли саккизликдан жой олди).

Мана шу фактнинг ўзиёқ, Аббосбекнинг орзулари шунчаки ҳавас эмаслигини кўрсатади.

Юраги орзу-умидларга, билаго куч-қувватга, тилаги яхшиликка тўла йигитнинг орзулари ушалсин! Ўзбекистонлик миллионлаб мухлисларнинг нияти бугун етишиб келаётган Аббосбек ва унинг дўстлари тимсолида ўз ижобатини албатта топишига биз ҳам ишонамиз!

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» мухбири

# Ҳаёт йўлларининг шамчироғи

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Меҳринисо Пардаева билан суҳбат

Таълим-тарбия берган устозларимизни доим чексиз ҳурмат билан тилга оламиз. Халқимиз азал-азалдан устозларни отадек улуғлаб, қадрлаб келган, уларнинг беқиёс меҳнатларини эъзозлаган. Шоирлар устозларни улуғлаб битган шеърларида уларнинг меҳнатини ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмаслигини таъкидлаганлар. Ҳақиқатан ҳам, муаллимнинг машаққатли меҳнатини, бир ҳарф танитиш йўлида чеккан заҳмати ҳақини юз хазина билан ҳам адо этиб бўлмайди.

Ўқитувчилик — ҳам шарафли, ҳам масъулиятли касб. Ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳаёт сабогини берадиган мўътабар зот, йўлларни ёритувчи шамчироқдир.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, тажрибали педагог Меҳринисо Пардаева билан суҳбатимиз соҳа ходимларининг фаолиятлари ҳақида бўлди.

— **Асосий Қонуимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Президентимиз Ислоҳ Каримов кириб келаётган 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилди...**

— Эзгу мақсадлар, яхши ниятлар билан айтилган бу тақдир, бу ташаббусни бутун халқимиз зўр мамнуният, катта умид билан кутиб олди.

Сир эмас, ҳар бир ота-она фарзанди соғлом бўлишини, яхши таълим-тарбия олишини, баркамол инсон сифатида вояга етишини ва, албатта, бахтли бўлишини истайди. Гап шундаки, мамлакатимизда фарзандларимиз ана шундай униб-ўсишлари учун барча имконият яратиб берилган. Ўтган йилларда эртанги кунимиз, ишончимиз саналган ёш авлод тақдирини учун муҳим ҳисобланган ислоҳотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Сиҳат-саломатлик йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустақкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустақкамланди.

— **Юртимизда келажагимиз эгалари — ёшларнинг таълим олишлари, пировардида етук, баркамол инсонлар бўлиб камол топишлари йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Сиз фаолият юритаётган ҳудудда бу борада қандай янгиликлар бор?**

— Истиқлол йилларида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёр-

лаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли мамлакатимизда, шу жумладан, вилоятимизда янги умумтаълим мактаблари барпо этилди, мавжудлари кўркам қиёфага келтирилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Таълим сифатини ошириш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Тажрибали педагогларимизнинг меҳнатлари натижаси таълим тизимида эришилаётган улкан ютуқларда ўз ифодасини топмоқда.

Вилоят халқ таълими тизими ходимлари юксак маънавиятли, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида бугунги кунда янада улкан тажрибаларга эга бўлишди. Халқ таълими тизими соҳаси узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини эканлигини дилдан ҳис қилган педагогларимиз ҳар бир дарсини янги педагогик технологиялар асосида ўтишяпти. Бу йўлда изланишяпти.

Вилоятимизда олиб борилган ишлар ўқувчилар қалбида илм олишга бўлган иштиёқни кучайтирибгина қолмай, ота-оналарнинг фарзандлари келажагига бўлган ишончини янада оширяпти. Вилоятимиз ўқувчиларининг санъат, маданият, спорт соҳаларида халқаро танлов ва мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритаётгани, бундан ташқари, уларнинг «Билимлар беллашуви»да, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ва бошқа кўрик-танловларда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани вилоят халқ таълими тизими фаолиятининг ёрқин саҳифаларини очди. Кўплаб фидойи ўқитувчиларнинг давлат мукофотларига сазовор бўлаётгани, «Халқ таълими аълочилиги» кўкрак нишони билан тақдирланаётгани, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичларида иштирок этаётгани,

турли танлов, беллашув ва мусобақаларнинг республика босқичида ғолиб бўлишаётгани, Навоий шаҳридаги 11-мактабнинг республика миқёсидаги ўн мингга яқин мактаблар ичида алоҳида эътироф этилганини, зукко ўқувчиларимизнинг «Билимлар синови»да бир неча бор юқори натижаларни қўлга киритганини мамнуният билан айта оламиз.

— **Кейинги йилларда таълим тизимига турли инновацион, ахборот-коммуникацион технологиялар, янгиликлар шиддат билан кириб келяпти. Бу ўқитувчига қандай талабларни қўйяпти?**

— Бу ҳол ўқитувчидан янада кўпроқ изланишни талаб қилади, албатта. Ўтган йилдан бошлаб вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан таътил кунларида мавжуд 359 та умумтаълим мактабида таълим муассасаси доирасида ўқитувчилар учун мақсадли ўқув ташкил этилди. 14 соатга мўлжалланган шундай ўқувлар бошқарма тавсия этган режа-жадвал асосида ўтказилиб, машғулотларда барча ўқитувчилар иштирок этди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Замон билан ҳамнафас фаолият юритиш, замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда дарс ўтиш бугунги кун ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Шундан келиб чиқиб, мактабларимиз замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Бундай натижалар ўқувчиларнинг фанларни чуқур ўзлаштиришга қизиқшини оширяпти.

— **Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун вилоят мактабларида қандай шароитлар яратилган?**

— Ўқувчиларнинг ижод қи-



Ta'lim taraqqiyoti

йўналишида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Навоий шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал жамоаси «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни, жорий йилнинг май ойида Италияда ўтказилган халқаро танловда Зарафшон шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Анастасия Якунинанинг учинчи ўринни эгаллаганлиги сўзимизга исбот бўлади.

— **Иқтидорли ўқувчилар мактабнинг фахри, дея эъзозланади, кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатилади, шундаймасми?**

— Ўқувчи-ёшларимизнинг спортда эришаётган ютуқлари салмоқли. Белбоғли кураш бўйича 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган республика чемпионатида Аббос Турсунов мураббийлигидаги қизилтепалек ёш полвонлар ўн учта медални қўлга киритган бўлса, Бухоро вилоятининг Галаосиё туманида ўтказилган футбол бўйича 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги 7-анъанавий республика турнирида нуроталик ёш спортчилар фахрли — иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республикаимизда ёш авлод тарбияси йўлида жонбозлик кўрсатиб, сидқидилдан меҳнат қилаётган педагогларимиз юксак мукофотлар билан рағбатлантирилмоқда. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар орасида вилоятимиздан Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Озода Алимованинг «Эл-юрт хурмати» ордени, Хатирчи туманидаги 22-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси Шоҳида Йўлдошева, Қизилтепа туманидаги 4-умумтаълим мактаби физика фани ўқитувчиси Фазилдин Худойбердиевнинг «Шухрат» медали билан мукофотланиши, Зарафшон шаҳридаги 13-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Гулжаҳон Қаршиеванинг «Йилнинг энг яхши мактаб директори — 2013» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлиши бизга ҳақиқий байрам кайфиятини бахш этди. Қолаверса, Халқ таълими вазирлиги томонидан бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийларимиз фидокорона меҳнатлари учун «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиги» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ишонамизки, бундан кейин ҳам халқ таълими тизимида самарали фаолият кўрсатаётган минглаб ўз касбининг фидойилари — ўқитувчи ва мураббийларимиз улкан муваффақиятларни қўлга киритадилар.

«Turkiston» мухбири  
Майсапа НАЗАРОВА  
суҳбатлашди

лишлари учун имкониятлар етарли. Бугунги кунда вилоятимизда ўндан ортиқ «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолият юритяпти. Уларга ўқувчилар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб жалб этилган, кейинги вақтларда уларнинг сони ортиб бормоқда. Фарзандларининг бўш вақтлари билим ва хунар эгаллашга сарфланиб, мазмунли ташкил этилаётганидан ота-оналар ҳам мамнун.

Бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ижодкорлик қобилиятларини кўрсатиб, республикаимизда танилган педагог ходимларимиз борлигидан кўнглимиз ҳамшиша фахрифтхорга тўлади. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2013» танловининг республика босқичида Навоий шаҳар 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби физика фани ўқитувчиси Самар Жумаев 1-ўринга, яна тўрт нафар ўқитувчимиз фахрли ўринларга сазовор бўлди. 2012-2013 ўқув йилида юқори кўрсаткичларга эришгани учун Навоий шаҳридаги 12-, 16-, Зарафшон шаҳридаги 13-мактаблар давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига айлантилди. Умумтаълим мактабларида сифатли таълим-тарбия олиб борилаётганлиги юқори чўққиларни забт этаётган ўқувчиларимизнинг ютуқларида кўриниб турибди. «Билимлар беллашуви»нинг 2013 йилги республика босқичида барча синф ва фанлардан иштирок этган ўттиз етти нафар ўқувчимизнинг йигирма нафари совринли ўринларни қўлга киритгани, умумий натижаларга кўра биринчи ўринни олгани вилоятимиз педагогларининг меҳнатлари самарасидир. Бундан ташқари, республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда, жумладан, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, «Келажақ овози», «Мен орзу қилган касб», «Ёш ижодкорлар», «Президент асарлари билимдони», «Камалак жилоси», «Халқ таълими тизимидаги энг яхши ўқувчи веб сайти», «Конституциямиз — гуруҳ-ифтихоримиз», «Ер курсида тинчлик», «Миллий рақслар», «Ёш хунарманд», «Чимён садоси», «Яшил чироқ» каби танловларнинг республика босқичида вилоятимиз ўқувчиларининг фахрли ўринларга муносиб топилгани барчамизни руҳлантирди.

Болалар мусиқа ва санъати

Bugun o'quvchi — ertaga mutaxassis

# Дарсдан сўнг ҳам ҳунар ўрганишади



**Замонавий жиҳоз ва ускуналар ҳар бир коллеж фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки назария нечоғли мукамал ўтилмасин, коллеж ихтисослик бўйича етарли жиҳозлар билан таъминланмаган бўлса, ёшларга касб-ҳунар ўргатишда самарадорликка эришиб бўлмайди. Шу маънода Сурхондарё вилоятидаги Қизириқ қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқув устахоналарининг янги, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминлангани ўқувчиларнинг касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишида мустаҳкам асос бўляпти.**

Айни пайтда мазкур коллежда ёшлар учта — тикувчилик, қурилиш, пардозлаш ва гипсокартонда ишлаш устахоналарида касб-ҳунар сирларини эгаллашмоқда.

Коллежда бўлиб, тикувчилик устахонаси фаолияти билан танишаётганимизда ўқувчиларнинг нечоғли қизиқиш ва иштиёқ

билан ҳунарни ўзлаштиришга интилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўқувчи-қизлардан бири тикув машинасида ниманидир тияпти, яна бири ишлаб чиқариш таълими устаси кўмагида тайёр кўйлакка нақш босаётган бўлса, бошқаси дазмоллаш билан банд.

Кўзлари порлаб кўйлак

тикаётган қизнинг ишини кузатиб, гапга соламиз. Ўзини коллежнинг тикувчилик ишлаб чиқариш технологиялари йўналиши ўқувчиси Шоҳсанам Муҳаммадиева деб таништирган бу тенгдошимиз ҳунар ўрганаётганидан мамнунлигини бекитмайди.

— Янги, замонавий дастгоҳларда ишлаётганимиз завқ бағишлаш билан бирга, тикувчиликни тез ва мукамал ўрганишимизга катта ёрдам беряпти, — дейди Шоҳсанам. — Баъзи пайтларда дарс тугагандан кейин ҳам устахонада қолиб, тезроқ ҳунар эгаллаб, моҳир мутахассис бўлиб етишишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун коллежимиз етарли шароитга эга.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Коллежнинг гипсокартонда ишлаш, қурилиш ва пардозлаш устахонаси

хорижий грант асосида жиҳозланди.

— Устахоналаримизнинг барчаси зарур ускуналар билан жиҳозланган, ўқувчиларнинг касб-ҳунарни пухта эгаллашлари учун етарли шароитлар яратилган. Шу билан бирга, устахоналар зарур хомашё базасига ҳам эга, — дейди Қизириқ қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Баҳодир Чориев. — Бу йил коллежимиз устахоналарига қиймати тўрт миллион 652 минг сўмлик хомашё келтирилган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткични ўн миллион сўмга етказишни режалаштирганмиз. Бу коллежимиз ўқувчиларининг етарли даражада амалий кўникамага эга бўлиши ҳамда моҳир мутахассислар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан коллежда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда коллеж касба уюшмаси кўмитаси томонидан имконияти чекланган ўқувчиларга совғалар улашилди.

Ҳа, таълим тизимида амалга оширилаётган бундай ишлар замирида эртанги фаровон кунимиз ворислари — ёшларнинг комил инсонлар, ўз ишининг моҳир мутахассислари бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшиш истаги мужассам. Келажакда бу эътибор, албатта, ўз самарасини беради.

**Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА, «Turkiston» муҳбири**

## ОНАМ ПИШИРГАН ТАОМ

*Таом пиширади ўчоқда онам,  
Қора қозон барака булоғи мисли.  
Зумда ошхонани ҳатлаб ҳовлига  
Таралар таомнинг ёқимли бўйи.*

*Асли таомдан ҳам ёқимли ҳиди,  
Бир ҳавас ҳаммининг кўнглига инар:  
Қанча бўйқизлару янги келинлар  
Онамдай пазанда бўлгиси келар.*

*Кўчани тутуди таомнинг бўйи,  
Иштаҳа кучаяр ўчоқ тафтидан.  
Вақт алламаҳалдан ошса ҳам уйга  
Уч-тўрт меҳмон келар қишлоқ четидан.*

## ЗЕРИКИШ

*Севги! Севги, сўнгра севдим! Бу сўзлар,  
Билмайсиз, мен учун қанчалар «майда».  
Бунча яширасиз, айтинг-да эзмай,  
Қайга кетяпман-у, тўхтадим қайда?*

*Бу мазмунсиз кунлар қайга бошлайди,  
Дилдан чиқмай қўйгандайин дил сўзлар?  
Негадир осмонни Ердан излайди,  
Осмоннинг қўйнида ётган юлдузлар.*

*Қаерга бормайин, қувлайди чарчоқ,  
Дунёга сиғмайман кўнгли торликдан.  
Менга бирозгина бахтсизлик беринг,  
Зерикдим сиз билан бахтиёрликдан.*

*Сукунат, сукунат, сирли сукунат,  
Хаёллар оқшомга қолгандай бўйлаб.  
Раҳмим келаяпти сизга ҳам, рости,  
Чарчамадингизми мен ҳақда ўйлаб?*

## МЕҲР

*Боғбон бобо саҳарлаб,  
Боғда ўтказар кўрик.  
Кувонч порлар кўзида,  
Ахир, гуллабди ўрик.*

*Яхши ният — ярим мол,  
Мева тугсин олмайди.  
Алқайди навниҳолни  
Боғбон бобо отадай.*

*Кувончидан кўзда ёш,  
Пичирлар ичда бот-бот:  
«Оғзи тегиб мевага,  
Бола-бақра бўлсин шод».*

## ҚАДРИЯТ

*Юракка яқин, юракка туташ — бу йўл,  
Нур йўлидай равон, нур йўлидай бекам.  
Бобом қолдириб кетганлар йўлни бизга,  
Бобомга ҳам бобосидан мерос экан.*

*Бир замонлар жуда гавжум эди, дерлар,  
Аммо бироз инсон юзин кўрмай қўйди.  
Бола эдик, сабаб бўлиб алақимлар,  
Йўлимиздан одам сира юрмай қўйди.*

*Хазон босиб, тўсилди-ю, бузилмади,  
Бугун тонгда оғриқлардан покладим мен.  
Анчагина машаққатли бўлгани рост,  
Бир амаллаб бобом йўлин тикладим мен.*

**Ахтам РЎЗИМУРДОВ**



## Барчасига туяқуш айбдор

Австралияда туяқуш сабаб самолёт чўлга қулади. «Сессна – 441» русумли самолётда саккиз нафар сайёҳ бўлган.

Ҳаво кемаси учувчисининг сўзларига қараганда, у йўловчиларнинг талабига биноан туяқуш изидан узоқ вақт пастлаб учган ва шу вақтда бошқарувни йўқотган. Самолётнинг қулаши туфайли ҳеч ким тан жароҳати олмаган. Туяқушнинг аҳволи ҳақида эса ҳеч қандай маълумот йўқ. Австралия транспорт хавфсизлиги хизмати учувчини жазолади. Шунга ўхшаш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида ҳозир учувчилар ўртасида махсус тренинглар олиб борилмоқда.

## Ўғрини ушла!

Германия пойтахти Берлинда жойлашган савдо мажмуасидаги техника дўконидан бир вақтнинг ўзида уч юзта уяли телефон ўғирланди.

Ҳозирча ўғрилар ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ. Кузатув камералари ўғрилик тўрт нафар киши томонидан содир этилганини кўрсатган. Бир неча кун олдин эрталаб улар ўғирланган «Ford Fiesta» машинасида савдо мажмуасига кириб, техника дўконини ўмаришади. Сўнг мажмуа яқинида турган «Audi» автомашинасига ўтириб, воқеа жойидан ғойиб бўлишади. Дўкон маъмурияти зарарнинг аниқ қийматини ошкор этишни истамади.

## Жаҳон чемпиони эди

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони, мексикалик Хавьер Хауреги 41 ёшида вафот этди.

Спортчи сўнги кунларини Гвадалахара шаҳридаги шифохонада ўтказган. У инсулътга учраб шифохонага ётқизилганди. Шифокорлар берган маълумотларга қараганда, боксчининг юраги операцияни кўтара олмади. Хавьер Хауреги спортдаги фаолиятини 1988 йилда бошлаган. У 2003 ва 2004 йилларда IBF (Халқаро бокс федерацияси) нинг 61,2 килограммгача бўлган вазн тоифасида камарини ҳимоя қилган. Ҳаёти давомида 73 жанг ўтказиб, (шундан 37 таси накаут билан) 54 тасида ғалаба қозongan. Спортчи охири мартта шу йил Фернандо Айялой билан рингга чиққан.

## «Nokia»дан янгилик

Финландиянинг «Nokia» компанияси «Android» операцион тизимида ишлайдиган «Nokia Normandy» смартфонини чиқаришини маълум қилди.

Корпорация ниҳоят «Microsoft»га тегишли «Windows Phone» дастуридан воз кечди. Маълумотларга қараганда, смартфон планшетлар учун мўлжалланган дастур асосида ишлайди. Бу эса «Nokia» смартфонинида исталган замонавий дастурда ишлаш имконини беради. «Google Play Store» интернет дўкони ҳам «Nokia» учун турли дастурларни чиқаришни бошлади. Шу кунгача «Microsoft»нинг «Windows Phone» операцион тизимини асосан «Nokia» сотиб олар эди. Эндиликда бу янги қарор «Microsoft»га жиддий зарар етказиши маълум бўлди. Янги уяли телефон 2014 йилнинг биринчи чорагидан сотувга чиқади ва анча арзон нархларда сотилиши режалаштирилмоқда.

**Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМатов тийёрлади**

Bugun o'quvchi — ertaga mutaxassis

# Дарсдан сўнг ҳам хунари ўрганишади



хорижий грант асосида жиҳозланди.

— Устахоналаримизнинг барчаси зарур ускуналар билан жиҳозланган, ўқувчиларнинг касб-хунарни пухта эгаллашлари учун етарли шароитлар яратилган. Шу билан бирга, устахоналар зарур хомашё базасига ҳам эга, — дейди Қизириқ қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунари коллежи директори Баҳодир Чориев. — Бу йил коллежимиз устахоналарига қиймати тўрт миллион 652 минг сўмлик хомашё келтирилган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткични ўн миллион сўмга етказишни режалаштирганмиз. Бу коллежимиз ўқувчиларининг етарли даражада амалий кўникамага эга бўлиши ҳамда моҳир мутахассислар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан коллежда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда коллеж касаб ва уюшмаси кўмитаси томонидан имконияти чекланган ўқувчиларга совғалар улашилди.

Ҳа, таълим тизимида амалга оширилаётган бундай ишлар замирида эртанги фаровон кунимиз ворислари — ёшларнинг комил инсонлар, ўз ишининг моҳир мутахассислари бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшиш истаги мужассам. Келажакда бу эътибор, албатта, ўз самарасини беради.

**Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Замонавий жиҳоз ва ускуналар ҳар бир коллеж фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки назария нечоғли мукамал ўтилмасин, коллеж ихтисослик бўйича етарли жиҳозлар билан таъминланмаган бўлса, ёшларга касб-хунари ўргатишда самарадорликка эришиб бўлмайди. Шу маънода Сурхондарё вилоятидаги Қизириқ қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунари коллежи ўқув устахоналарининг янги, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминлангани ўқувчиларнинг касб-хунари сирларини пухта ўрганишида мустаҳкам асос бўляпти.

Айни пайтда мазкур коллежда ёшлар учта — тикувчилик, қурилиш, пардозлаш ва гипсокартонда ишлаш устахоналарида касб-хунари сирларини эгаллашмоқда.

Коллежда бўлиб, тикувчилик устахонаси фаолияти билан танишаётганимизда ўқувчиларнинг нечоғли қизиқиши ва иштиёқ

билан хунари ўзлаштиришга интилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўқувчи-қизлардан бири тикув машинасида ниманидир тияпти, яна бири ишлаб чиқариш таълими устаси кўмагида тайёр қўйлакка нақш босаётган бўлса, бошқаси дазмоллаш билан банд.

Кўзлари порлаб қўйлак

тикаётган қизнинг ишини кузатиб, гапга соламиз. Ўзини коллежнинг тикувчилик ишлаб чиқариш технологиялари йўналиши ўқувчиси Шоҳсанам Муҳаммадиева деб таништирган бу тенгдошимиз хунари ўрганиётганидан мамнунлигини бекитмайди.

— Янги, замонавий дастгоҳларда ишлаётганимиз завқ бағишлаш билан бирга, тикувчиликни тез ва мукамал ўрганишимизга катта ёрдам беряпти, — дейди Шоҳсанам. — Баъзи пайтларда дарс тугагандан кейин ҳам устахонада қолиб, тезроқ хунари эгаллаб, моҳир мутахассис бўлиб етишишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун коллежимиз етарли шароитга эга.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Коллежнинг гипсокартонда ишлаш, қурилиш ва пардозлаш устахонаси



## Барчасига туяқуш айбдор

Австралияда туяқуш сабаб самолёт чўлга қулади. «Сессна – 441» русумли самолётда саккиз нафар сайёҳ бўлган.

Ҳаво кемаси учувчисининг сўзларига қараганда, у йўловчиларнинг талабига биноан туяқуш изидан узоқ вақт пастлаб учган ва шу вақтда бошқарувни йўқотган. Самолётнинг қулаши туфайли ҳеч ким тан жароҳати олмаган. Туяқушнинг аҳволи ҳақида эса ҳеч қандай маълумот йўқ. Австралия транспорт хавфсизлиги хизмати учувчини жазолади. Шунга ўхшаш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида ҳозир учувчилар ўртасида махсус тренинглар олиб борилмоқда.

## Ўғрини ушла!

Германия пойтахти Берлинда жойлашган савдо мажмуасидаги техника дўконидан бир вақтнинг ўзида уч юзта уяли телефон ўғирланди.

Ҳозирча ўғрилар ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ. Кузатув камералари ўғрилик тўрт нафар киши томонидан содир этилганини кўрсатган. Бир неча кун олдин эрталаб улар ўғирланган «Ford Fiesta» машинасида савдо мажмуасига кириб, техника дўконини ўмаришади. Сўнг мажмуа яқинида турган «Audi» автомашинасига ўтириб, воқеа жойидан ғойиб бўлишади. Дўкон маъмурияти зарарнинг аниқ қийматини ошкор этишни истамади.

## Жаҳон чемпиони эди

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони, мексикалик Хавьер Хауреги 41 ёшида вафот этди.

Спортчи сўнгги кунларини Гвадалахара шаҳридаги шифохонада ўтказган. У инсулътга учраб шифохонага ётқизилганди. Шифокорлар берган маълумотларга қараганда, боксчининг юраги операцияни кўтара олмади. Хавьер Хауреги спортдаги фаолиятини 1988 йилда бошлаган. У 2003 ва 2004 йилларда IBF (Халқаро бокс федерацияси) нинг 61,2 килограммгача бўлган вазн тоифасида камарини ҳимоя қилган. Ҳаёти давомида 73 жанг ўтказиб, (шундан 37 таси накаут билан) 54 тасида ғалаба қозонган. Спортчи охириги марта шу йил Фернандо Айялой билан рингга чиққан.

## «Nokia»дан янгилик

Финландиянинг «Nokia» компанияси «Android» операцион тизимида ишлайдиган «Nokia Normandy» смартфонини чиқаришини маълум қилди.

Корпорация ниҳоят «Microsoft»га тегишли «Windows Phone» дастуридан воз кечди. Маълумотларга қараганда, смартфон планшетлар учун мўлжалланган дастур асосида ишлайди. Бу эса «Nokia» смартфонини да исталган замонавий дастурда ишлаш имконини беради. «Google Play Store» интернет дўкони ҳам «Nokia» учун турли дастурларни чиқаришни бошлади. Шу кунгача «Microsoft»нинг «Windows Phone» операцион тизимини асосан «Nokia» сотиб олар эди. Эндиликда бу янги қарор «Microsoft»га жиддий зарар етказиши маълум бўлди. Янги уяли телефон 2014 йилнинг биринчи чорагидан сотувга чиқади ва анча арзон нархларда сотилиши режалаштирилмоқда.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМатов тийёрлади**

## ОНАМ ПИШИРГАН ТАОМ

Таом пиширади ўчоқда онам,  
Қора қозон барака булоғи мисли.  
Зумда ошхонани ҳатлаб ҳовлига  
Таралар таомнинг ёқимли бўйи.

Асли таомдан ҳам ёқимли ҳиди,  
Бир ҳавас ҳамманинг кўнглига инар:  
Қанча бўйқизлару янги келинлар  
Онамдай пазанда бўлгиси келар.

Кўчани тутуди таомнинг бўйи,  
Иштаҳа кучаяр ўчоқ тафтидан.  
Вақт алламаҳалдан ошса ҳам уйга  
Уч-тўрт меҳмон келар қишлоқ четидан.

## ЗЕРИКИШ

Севги! Севги, сўнгра севдим! Бу сўзлар,  
Билмайсиз, мен учун қанчалар «майда».  
Бунча яширасиз, айтинг-да эзмай,  
Қайга кетяпман-у, тўхтадим қайда?

Бу мазмунсиз кунлар қайга бошлайди,  
Дилдан чиқмай қўйгандайин дил сўзлар?  
Негадир осмонни Ердан излайди,  
Осмоннинг қўйнида ётган юлдузлар.

Қаерга бормайин, қувлайди чарчоқ,  
Дунёга сиғмайман кўнглим торликдан.  
Менга бирозгина бахтсизлик беринг,  
Зерикдим сиз билан бахтиёрликдан.

Сукунат, сукунат, сирли сукунат,  
Хаёллар оқшомга қолгандай бўйлаб.  
Раҳмим келаяпти сизга ҳам, рости,  
Чарчамадингизми мен ҳақда ўйлаб?

## МЕҲР

Богбон бобо саҳарлаб,  
Богда ўтказар кўрик.  
Қувонч порлар кўзида,  
Ахир, гуллабди ўрик.

Яхши ният — ярим мол,  
Мева тугсин олмадай.  
Алқайди навниҳолни  
Богбон бобо отадай.

Қувончидан кўзда ёш,  
Пичирлар ичда бот-бот:  
«Оғзи тегиб мевага,  
Бола-бақра бўлсин шод».

## ҚАДРИЯТ

Юракка яқин, юракка туташ — бу йўл,  
Нур йўлидай равон, нур йўлидай бекам.  
Бобом қолдириб кетганлар йўлни бизга,  
Бобомга ҳам бобосидан мерос экан.

Бир замонлар жуда гавжум эди, дерлар,  
Аммо бироз инсон юзин кўрмай қўйди.  
Бола эдик, сабаб бўлиб алакимлар,  
Йўлимиздан одам сира юрмай қўйди.

Хазон босиб, тўсилди-ю, бузилмади,  
Бугун тонгда оғриқлардан покладим мен.  
Анчагина машаққатли бўлгани рост,  
Бир амаллаб бобом йўлин тикладим мен.

**Ахтам РЎЗИМУРДОВ**

Yoshlar ilhomi





## Журналистларнинг янги авлоди кашф этилди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танловининг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бу йил иккинчи бор ўтказилаётган танловда ўттиз ёшгача бўлган икки юз нафардан ортиқ ёш журналистлар телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган икки мингга яқин ижодий ишлари билан қатнашди.

Янгилик: бу йилги танловда ташкилий кўмита томонидан «Ёшларга оид давлат сиёсатини ёритувчи энг яхши видеоролик» номинацияси жорий этилди. Тақдирлаш маросимида ушбу номинация ғолиби «Бунёдкор» ёшлар телеклуби деб топилди.

Орзиқиб кутилган дақиқалар ҳам бошланди. Навбатма навбат ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар рўйхати эълон қилинди. Унга кўра, **матбуот йўналиши** бўйича биринчи ўрин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг етакчи муҳаррири Сардор Тожиёвга, **телевидение йўналиши** бўйича биринчи ўрин «Болажон» телеканали муҳарриратининг бош муҳаррири Камола Одиловага, **радио йўналиши** бўйича биринчи ўрин «Ўзбекистон» МТРК Сурхондарё теле-

радиокомпанияси радиоэшиттиришлар муҳарририяти муҳаррири Дилноза Аллаёровага, **интернет йўналиши** бўйича биринчи ўрин Наманган давлат университети талабаси, «Камолот» газетаси муҳбири Улуғбек Рўзиматовга, **фото йўналиши** бўйича биринчи ўрин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фотоахборот таҳририяти фотомуҳбири Аъло Абдуллаевага насиб этди. Таҳририятимиз фотомуҳбири Сардор Муллажоновнинг ижодий ишлари эса иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

— Бундай танловлар биз, ёш журналистларни янада фаол ишлашга, радиотингловчиларга мамлакатимизда энг сўнгги янгиликларни тезкор ва холис етказиб беришга ундайди, — дейди радио йўналиши ғолиби, Сурхондарё телерадиокомпанияси радиоэшиттиришлар муҳарририяти муҳаррири Дилноза Аллаёрова. — Айни кунда муаллифлигим остида «Муносабат», «Иқтидор», «02 хабарлари», «Спорт — саломатлик гарови» каби радиоэшиттиришларни тайёрлаб келаяпман. Келгусида радиотингловчиларга қизиқарли ва фойдали эшиттиришлар тайёрлаб, янги ютуқларга эришмоқчиман.

Танлов ғолибларига дипломлар, эсдалик совғалар топширилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири.

Суратда: танлов ғолиблари.  
Носир Хайдаров олган сурат.



### МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН!

«Turkiston» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталарининг тиниб-тинчимас фотомуҳбири, ҳамкасбимиз Сардор Муллажонов «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танловининг фото йўналишида иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Шу муносабат билан ҳамкасбимизни самимий кутлаймиз ва бу рағбат уни келгусида бир-бирдан ажойиб фотолавлар, фоторепортажлар тайёрлашга ундашига ишонамиз.

Мукофот кутлуғ бўлсин!

Таҳририят

## Хотиржамлик гарови

Қиш-қировли кунлар бошланиши билан кўпчилик хонадон эгалари иситиш масаласида мутахассисларнинг иштирокисиз қўшимча иситиш мосламаларидан фойдаланадилар.

Ўзбошимчилик билан электр токига қўшимча ускуналарни улаш, ётоқхоналарда шундай мосламаларни ёқиб ухлаш оқибатида

ёнғинлар пайдо бўлиши сир эмас.

Баъзида эса, ана шундай қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиш

оқибатида уйларда ёнғинлар содир бўлиши мумкинлиги ҳақида жуда кўп огоҳлантирилади. Афсуски, ёнғинларнинг сабаблари ўрганилганда нафақат болалар, балки катталарнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари туфайли кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлишидан

кўз юмиб бўлмайди.

Ўт балосидан сақланиш, энг аввало, ўзимизга боғлиқ эканини унутмаслик керак. Содир бўлаётган ёнғинларнинг олдини олишда ҳушёрликни ошириш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш керак.

**Дилшод ЖАББОРОВ,**  
23-ҲЁХК инспектори,  
сержант

Mutaxassis o'goh etadi

Чой тури					
Шов-шув, доврук	Ходиса	Юзсиз, бета-миз	Шаклдош сузлар		
Туман (Тошкент вилояти)	Дардинга... бўлай	Олий... (парламент)	Парда илгич		
Илмий даража	Ўзак, негиз	Термин			
Хушбўй барг	Италия футбол жамоаси	Мимик ҳаракат	Ака шевада		
Бинобарин, зеро	Бузуқ, ишдан чиққан				

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

### YON DAFTARCHANGIZGA

Ватани борнинг бахти бор,  
Меҳнати борнинг — тахти.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



### Бош муҳаррир:

Ашуруров Салим Тўраевич

### Таҳрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир:

Назарова Майсара Тошевна

### Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-1243.  
Адади — 8117  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.40  
ЎЗА якуни — 23.35

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6